

**АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТЕХНИК ВА ХАЙДОВЧИЛАРНИ ЭРТАЛАБГИ ТИББИЙ  
КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

**ШАРТНОМА № 01**

«17» январь 2022 й

Бухоро ш.

Катнов олдидаан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан, хайдовчиларни кундалик тиббий кўриқдан ўтказиш ва автотранспорт воситаларини сақлаш ушбу фаолият турига ихтисослашган «Амин Авто Транс Сервис» МЧЖ Низом асосида иш юритувчи рахбари Аминов Ашраб Хаитович бир томондан ва иккинчи томондан «Очик Нефт ва газ фаввораларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Ҳарбийлаштирилган қисим» рахбари куйидаги мажбуриятлар бўйича мазкур шартномани тузишди.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

«Амин Авто Транс Сервис» МЧЖ автомобилларни сақлаш, техник қарови ва таъмир ишларини бажариш учун автосаройдаги мавжуд жойларида, «Очик Нефт ва газ фаввораларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Ҳарбийлаштирилган қисим»га қарашли бўлган автотранспорт воситаларини техник қарови ва таъмир ишларини ўтказиш учун шароит яратади ҳамда кундалик катнов олдидаан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан, хайдовчиларини эса кундалик тиббий кўриқдан ўтказиш учун махсус хона ажратиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

«Амин Авто Транс Сервис» МЧЖ томонидан га қарашли бўлган автотранспорт воситаларини техник қарови ва таъмир ишларини ўтказиш учун шароит яратади ҳамда кундалик катнов олдидаан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан, қорхона хайдовчиларини кундалик тиббиёт кўригидан ўтказилади.

«Очик Нефт ва газ фаввораларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Ҳарбийлаштирилган қисим» автотранспорт воситаларини техник қарови ва таъмир хизматлари ҳамда кундалик катнов олдидаан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан, хайдовчиларини эса кундалик тиббий кўриқдан ўтказганлиги учун келишилган миқдорда (1000.000) бир миллион сум тўловни ҳар ойни биринчи санасида амалга оширади.

**3. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

«Амин Авто Транс Сервис» МЧЖ кўрсатган хизматлари учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади. «Очик Нефт ва газ фаввораларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Ҳарбийлаштирилган қисим» хизмат тўловларини ўз вақтида тўлашни ва автотранспорт воситаларини ҳамда хайдовчиларини кўриқдан ўтишини таъминлашни ўз зиммасига олади.

**4. ШАРТНОМА МУДДАТИ**

Шартнома муддати 2022 йил «17» январдан 2023 йил «17» январ гача бўлиб тарафлар имзолаган кундан бошлаб қучга қиради.

**4. ТОМОНЛАРНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ**

Шартномада кўрсатилган барча ҳолларда томонлар амалдаги қонунларга амал қиладилар. Ушбу шартнома баъқидан келиб чиққан барча низолар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:**

«Очик Нефт ва газ фаввораларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Ҳарбийлаштирилган қисим»

Х Р2021000100381865001  
ИНН 60698487

МҚО-00186

Рахбар:

МУ



**ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:**

«Амин Авто Транс Сервис» МЧЖ

Х Р20208000700413835001

ИНН303072201

город Бухара Агр баг. код 00089

ОҚОҚХ -51121

Рахбар:

А. Аминов



ВИЗЛАРА		
ФИШ	мансаби	ИМЗО
Кенжаев Н.А.	ХИЧХО командири	
Зойиров З.Э.	Бош хисобчи	
Рахмонов Б.А.	Хуқуқшунос	